



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
QARORI**

Termiz shahri, At-Termiziy ko‘chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil “26” mart

Қ-230 -son

Termiz sh.

**Қизирик тумани “Бўстон” массиви
“Буюк келажак” маҳалласи худудидан
“GREEN GARDEN” МЧЖга интенсив боғ
ташkil этиш учун ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 04 мартдаги 05-02/185-сон йиғилиш баёни, Қизирик тумани ҳокимининг 2021 йил 01 февралдаги 01-05/506-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Қизирик тумани “Бўстон” массиви “Буюк келажак” маҳалласи худудидан “GREEN GARDEN” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 431, 432, 475, 482, 476, 484, 507 ва 500қ-дала контурларидаги жами 101 гектар шундан 93 гектар экин ер, 7,0 гектар яйлов, 1,0 гектар йўллар, ариқ ва зовурлар ер майдонлари интенсив боғ ташkil этиш учун (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурадги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурадги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов